

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Бухоро тумани

2024 йил 9 январь

Бухоро туманлараро иқтисодий судининг судьяси М.Махсудованинг раислигида, судья ёрдамчиси М.Ғайратованинг котиблигида, даъвогар вакили [REDACTED] (ишончнома ва буйруқ асосида) иштирокида, даъвогар “ [REDACTED] ” масъулияти чекланган жамияти манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат Палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармасининг жавобгар “ [REDACTED] ” фермер хўжалигидан 95 081 916 сўм асосий қарз ва 28 524 574 сўм жаримани ундириш тўғрисидаги даъво аризаси юзасидан қўзғатилган иқтисодий ишни Бухоро туманлараро иқтисодий суди биносида очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

“ [REDACTED] ” масъулияти чекланган жамияти (матнда даъвогар деб юритилади) манфаатида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат Палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси (матнда палата деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар “ [REDACTED] ” фермер хўжалиги (матнда жавобгар деб юритилади)дан 95 081 916 сўм асосий қарз ва 28 524 574 сўм жаримани сўраган.

Суд мажлисида иштирок даъвогар вакили даъво аризасини қўллаб-қувватлаб, даъво аризасидаги важларни такрорлаб, даъво аризасини тўлиқ қаноатлантириб беришни сўради.

Ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган палата, жавобгар суд мажлисига вакил иштирокини таъминламади. Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (матнда ИПК деб юритилади)нинг 128, 170-моддаларини қўллаб, ишни уларнинг иштирокисиз кўриш мумкин деб ҳисоблайди.

Суд даъвогар вакилининг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга асосан даъво талабларини қисман қаноатлантиришни, қолган қисмини қаноатлантиришни рад этишни, суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим деб топади.

Суд муҳокамаси ва иш ҳужжатларидан аниқланишича, даъвогар (шартнома матнида “Тайёрловчи”) ва жавобгар (шартнома матнида “Хўжалик”) ўртасида 2020 йил 5 февралда пахта хом ашёси ва уруғлик пахта харид қилиш бўйича контрактация шартномаси тузилган.

Тарафлар ўртасида тузилган контрактация шартномаси шартларига кўра, Хўжалик Тайёрловчига пахта хом ашёси етказиб бериши, Тайёрловчи эса Хўжаликни сифатли уруғлик билан таъминлаш, маҳсулотни қабул қилиб олиш ва унинг ҳақини тўлашни ўз зиммасига олган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддаси биринчи-учинчи қисмларига кўра, ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли.

Ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг

қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи қафолатланади.

Ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда ҳолис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи қафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 130-моддаси биринчи қисмида Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (матнда ФК деб юритилади) 234-моддаси иккинчи қисмига кўра, мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

ФКнинг 236-моддасига кўра мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса — иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

ФК 465-моддасига мувофиқ, контракция шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга — тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

Агар ушбу Кодексда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса ёки у мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса, контракция шартномасига нисбатан маҳсулот етказиб бериш шартномаси тўғрисидаги қоидалар, тегишли ҳолларда эса давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб беришга доир давлат контракти тўғрисидаги қоидалар қўлланади.

Шартноманинг 4.2-бандига кўра, тайёрловчи хўжаликка (уруғлик ҳамда йиғим – терим мавсуми учун керакли моддий-техник ресурслар қийматини ҳисобга олган ҳолда) маҳсулот қийматининг 60 фоизи миқдоригача бўнак (аванс) маблағларини ойма-ой тўлаб беради.

Даъво аризаси ва иш ҳужжатларига кўра, даъвогар жавобгарга 429 233 932 сўмга тенг бўлган маблағ ва бошқа моддий бойликларни ажратиб берган. аммо жавобгар томонидан шартнома мажбурияти бажарилмаган ҳамда даъвогарга пахта хомашёси даъвогар етказиб берилмаган, натижада 95 081 916 сўмлик қарздорлик вужудга келган. Мазкур қарздорликни қоплаш ҳақида юборилган талабнома жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Натижада низо вужудга келган, шундан сўнг палата даъвогар манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар ҳисобидан 95 081 916 сўм асосий қарз ва 28 524 574 сўм жаримани ундиришни сўраган.

2024 йил 9 январь ҳолатида жавобгарнинг даъвогар олдида (2022 йил февраль ойдан 2023 йил ноябрь ойигача) жами 95 081 916 сўм қарздорлиги мавжуд.

Мазкур ҳолатда даъво талаби асосли бўлиб, шартнома, электрон ҳисобварақ-фактуралар, бир томонлама солиштирма далолатнома, талабнома билан ўз тасдиғини топади. Демак, даъвогарнинг асосий қарзни ундириш талаби асосли ва уни тўлиқ қаноатлантириш лозим.

Шунингдек, даъвогар топширилмаган пахта хом ашёси маҳсулоти қийматининг 30 фоизи миқдорида, 28 524 574 сўм жарима ҳисоблаб, уни ундиришни сўраган. Даъвогар жаримани тўғри ҳисоблаган.

Бинобарин, тарафлар ўртасида тузилган фьючерс шартномасининг 1.1-бандида Хўжалик 126,5 тонна пахта хом ашёси топшириши, шартноманинг 5.2-бандида

Хўжаликнинг маҳсулотни топширишдан асосиз бўйин товлаганда, топширилмаган маҳсулот қийматининг 30 фоизи миқдорида жарима тўлаши белгиланган. Жавобгар томонидан даъвогарга мазкур шартнома бўйича пахта хом ашёси топширилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 15.06.2007 йилдаги 163-сонли қарори 4-банди ва ФКнинг 326-моддасига мувофиқ, суд қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, шунингдек кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтиришга ҳақли эканлигидан келиб чиқиб, кредитор ва қарздорнинг манфаатларини инобатга олиб, суд жарима суммасини 10 000 000 сўмгача камайтиришни, пеня ундириш талабининг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим топди.

ИПК 118-моддасининг биринчи ва олтинчи қисмларига кўра суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Агар даъвогар томонидан билдирилган неустойкани ундириш ҳақидаги талаб асосли бўлиб, бироқ унинг миқдори қонунчиликда белгиланган ҳуқуқдан фойдаланилган ҳолда суд томонидан камайтирилган бўлса, суд харажатларининг камайтирилиши ҳисобга олинмаган ҳолда ундирилиши лозим бўлган неустойка суммасидан келиб чиққан ҳолда, суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилиши лозим.

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тасдиқланган “Давлат божи ставкаларининг миқдорлари” 2-бандининг “а” кичик бандига кўра мазкур талаб бўйича даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда давлат божи тўланиши лозим.

Суд, даъво қисман қаноатлантирилганлиги сабабли суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, ИПКнинг 118, 128, 170, 176-179, 180 ва 186-моддаларини қўллаб суд,

қ а р о р қ и л д и:

Даъво аризаси қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар “[Redacted]” фермер хўжалигидан даъвогар “[Redacted]” масъулияти чекланган жамияти фойдасига 95 081 916 сўм асосий қарз, 10 000 000 сўм жарима, олдиндан тўланган 34 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Жавобгар “[Redacted]” фермер хўжалигидан Республика бюджетига 2 472 129,8 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ижро варақалари берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан шу суд орқали Бухоро вилоят судига ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида апелляция тартибида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Судья

М.Махсудова